АЛИЕВ И.Б.

# КУРАШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧЛАРИДА МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Scanned by TapScanner

УЎК 75.715
КВК 796.81
А 49

**Алиев И**
**Курашда кўп йиллик тайёргарлик босқичларида машғулот юкламаларини оптималлаштиришнинг илмий-назарий асослари** [Матн]: монография / И. Алиев. – Тошкент. «O'zkitobsavdonashriyoti», 2020 й. - 128 б.

**Такризчилар:**
**Ф.А.Керимов** – педагогика фанлари доктори, профессор.
**А.Н.Абдиев** – педагогика фанлари доктори, профессор.

Мазкур монография давлатимизда кураш спорт турини оммалаштиришда, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда шу билан бир каторда кураш спорт тури билан мунтазам шуғулланувчи малакали спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик боскичларида машғулот юкламаларини оқилона режалаштириш ва спортчиларга тўғри тақсимлаш тўғрисида боради.

Монография талабаларга, магистранларга, катта илмий-ходим изланувчилар, докторантлар ҳамда спорт мутахассислари ва мураббийларга тавсия этилади.

2020 йил 27 ноябрдан услубий кенгаш томонидан чоп қилишга тавсия қилинди

ISBN 978-9943-6858-2-6

® И. Алиев, 2020.
® «O'zkitobsavdonashriyoti», 2020.



## СЎЗ БОШИ



Мен 10 ёшимдан спортнинг кураш ва дзюдо турлари билан мунтазам шуғулланиб келдим, шу спорт орқали кўп ютукларга эришдим десам ҳам тўғри бўлади.

2003 йилда бутун жаҳон Универсиада ўйинлари ғолиби, беш карра Осиё чемпионати ғолиби, уч карра Осиё ўйинлари совриндори, 2011 йил мутлоқ вазн тоифасида Жахон чемпионати ғолиби ва уч карра Жахон чемпионати совриндори бўлиш билан бирга 2008 йил Хитой давлатининг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида кумуш медални қўлга киритдим, ҳозирда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетинг Беларус давлати билан ташкил топган қўшма факультетининг магистратура бўлимида тахсил оламан, мен катта хурмат билан муаллиф Искандар Алиев томонидан тайёрланган мазкур монография мазмуни давлатимизда кураш спорт турини оммалаштиришда, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда шу билан бир қаторда кураш спорт тури билан мунтазам шуғулланувчи малакали спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик боскичларида машғулот юкламаларини оқилона режалаштириш ва спортчиларга тўғри тақсимлаш тўғрисида ва мусобақаларга тайёрлашда дастурий амал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу монография курашчиларда олиб борилган тадкикот ва унинг натижалари асосли хисобланиб, ҳозирги кунда биз спортчилар ва мураббийларга қўлланма сифатида фойдаланишни тавсия қиламан,

***Абдулло Тангриев***
*Шуҳрат медали ва Ўзбекистон ифтихори унвони соҳиби, Олимпия ўйинлари кумуш медали, жаҳон чемпионатлари голиби ва совриндори*

Scanned by TapScanner